

Папилляр нақшларнинг идентификациявий аломатлари

Қўл бармоқларининг тирноқ фалангаси излари қўл кафтининг сиртидаги бошқа қисмлари изларига нисбатан кўпроқ учрайди. Бундай изларни идентификация қилиш учун папилляр нақшлари асос бўлади. Бу нақшларни ўрганишда текширилаётган шахснинг қўл бармоқлари папилляр чизикларининг нақшлари билан солиштириб кўрадиган бир қатор аломатларни ажратиш мумкин. Қўл излари бўйича шахсни аниқлаш ушбу аломатларнинг ўзига хосликлари солиштирилаётган нақшда яхши кўринадиган бўлгандагина амалга оширилади.

Папилляр нақшларини ўрганиш, идентификация қилиш ушбу изларнинг умумий аломатларини аниқлашдан бошланади. Папилляр нақшларнинг умумий аломатларига унинг тури, шакли, ўлчами, хар хил кўринишда бўлиши ва бошқалар киради. Бундан ташқари, дактилоскопик карталарда бўлган кўп микдордаги папилляр нақшларни тадқиқ этиш орқали умумий аломатлар қаторига нақшдаги чизиклар оқимининг йўналиши (шакли), нақшнинг ва элементларининг ҳолати, нақшни ташкил этувчи элементларнинг сони, нақшнинг сифатини киритиш мумкин.

Ҳар бир аломатни кўриб чиқамиз. Нақшдаги чизиклар оқими-нинг йўналиши ва унинг шакли папилляр чизикларининг бир томон-лама узайиши натижасида эмас, балки кафт сиртида папиллярларнинг ривожланиши жараёнида вужудга келади. Шунинг учун папилляр нақшнинг ўзи ёки акси ўрганилганда папилляр чизиклар қайси томонга, яъни ўнгдан чапга ёки чапдан ўнгга, юқоридан пастга йўналганлигини аниқлаб бўлмайди. Лекин, шундай бўлишига қарамасдан, папилляр чизикларининг бошланиши уларнинг чап томон акси ҳисобланади. Изни ўрганиш жараёнида нақшлар томонлари ва уларни локаллаштирилмаганлигини аниқлашдаги қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда, нақш папилляр чизикларининг умумий аломатлари йўналишини эмас, балки нақшдаги папилляр чизикларининг шакли (конфигурацияси)ни тадқиқ қилиш керак. Бу қўшимча тадқиқотсиз нақшнинг идентификациявий аломатини ўрганишга имкон беради ва амалий жараёнда катта аҳамиятга эга.

Шакл - чизикларни умумий конфигурацияси ёки уларнинг оқимини билдирувчи аломатлар йиғиндиси. Уларнинг номланиши геометрик кўринишдаги шакл ва контурлар атамаларига ўхшаб

айтилади. Масалан: ёй, сиртмоқ, овал, айлана-овал, спирал ва ҳоказо. Папилляр нақш шакллари вариантларининг саноксизлиги уларнинг хоҳлаган тизимини аниқ таснифлашга имкон беради. Хусусан, папилляр нақшларни туркумларга ажратишда уларнинг марказида ҳосил бўлган сурат асос қилиб олинади, яъни улар ёйсимон, сиртмоқсимон ва айланасимон туркумга мансуб бўлиши мумкин.

Папилляр нақшлари тузилишининг умумий аломатлари бўлган нақшнинг ҳолати ва унинг элементларини кўриб чиқамиз. Бу асосий аломат бўлиб, у нақшдаги элементларни (ўнгдаги, чапдаги, юқоридаги, пастдаги ва бошқалар), қандайдир маълум чизикларни (вертикал, горизонтал) ёки нуқталарни бир-бирига нисбатан ҳолатини ўз ичига олади.

Нақшнинг умумий ҳолати деганда, унинг чизиклари ва бошқа элементларини қўл, бармоқ ва папилляр нақшларнинг ичидаги алоҳида элементларнинг маълум бўлган анатомик нуқталарида тузилган координатлар тизимига нисбатан мўлжаллаш тушунилади.

«Ҳолат» аломати, керак бўлган тақдирда, папилляр нақш ҳақидаги ахборотни аниқлашга ва кенгайтиришга имкон беради. Масалан, шакли бир хил бўлган айланасимон нақшлар тирноқ фалангасида ўнгга ёки чапга оғма ҳолатда жойлашиши мумкин (бурчак катталикларининг мўлжали), ёйсимон нақшларнинг чўққиларини бирлаштирувчи чизиклар ҳолати оғма бўлиши мумкин.

Папилляр нақшларнинг навбатдаги умумий аломати нақшларни ташкил этувчи элементларнинг миқдоридир. «Миқдор» тушунчаси нақшларни ўрганишда маълум бўлган ёки аниқланган нуқталар орасидаги чизиклар миқдорини, шунингдек, характерли расмлар ташкил қилувчи ҳар қандай элементлар (дельта, марказ, папилляр чизикларнинг ажралиши, оролча ва бошқалар) миқдорини ҳам ифодалаши мумкин. Нақшнинг сиртида турли масофалар, нуқталар ва элементлар ҳолатининг миқдорий фарқи акс этиши мумкин.

Бу каби катта аҳамиятга эга бўлган имкониятлар юқорида таъкидланган тавсифларнинг, чизикли четлашишларнинг жуда катта чегараларига қарамасдан, таҳлилнинг объектив мезонларини кириштириш, нусха олиш жараёнида ушбу тавсифларнинг ўзгариши натижа-сида шаклига кўра ўзаро фарқ қилувчи нақшларнинг аксларини таққослаш имконини беради.

Бундай аломатлар рўйхатга олишнинг турли тизимларида қўлланилади (папилляр чизикларнинг сонига қараб нақш маркази ва дельта орасида жойлашган сиртмоқсимон нақшларнинг бўлиниши ёки айланадаги чап томон дельтасининг ҳолатини ўнг томон дельта-сига

нисбатан таснифлаш ва ҳоказо).

Папилляр нақшларининг сифати папилляр чизикларнинг «ажрата олиниши» акс этиш даражаси билан таснифланади. Нақш-нинг аксида нақш кокилининг ҳолати ифодаланади. Нақшни тўлиқ таснифлашга имкон берувчи папилляр нақшлар тузилишининг умумий аломатлари шулардан иборат.

Папилляр нақшларнинг умумий хусусиятлари бир қатор ўхшашликларга эга бўлиб, улардан ҳозирги вақтда энг кўп ўрганилганлари ва амалиётда кенг қўлланилаётганлари - нисбатан ўзгармаслик, яхши акс этган индивидуаллик ва кўзга ташланув-чанлик, шахсни идентификация қилиш методи ва ҳар хил воситаларнинг ривожланишидир. Шуларга асосан шахсни идентификация қилишни бевосита амалга ошириш мумкин бўлади.

Папилляр нақшлар хусусий аломатларининг тузилиши. Издаги нақшлар умумий аломатлари бўйича тавсифлангандан сўнг, ушбу нақшларда папилляр чизиклар тузилишининг характерли деталлари ва нақшларнинг ўзига хосликлари ажратилади, улар қолдирилган изни айнанлаштиришга асос бўлади

Папилляр чизиклар ўз йўналишида ҳеч қачон узлуксиз бўлмай-ди. Улар узилиши, ажралиши, қўшилиб кетиши мумкин. Нақшларда қисқа папилляр чизиклар, кесимлар, нуқталар, эгилган чизиклар, оролчалар ва бошқаларни кузатиш мумкин.

Бу деталлар ўзининг ўзаро хилма-хил жойлашишига кўра сон саноксиз бирикмалар ҳосил қилади. Папилляр чизиклар деталларининг қуйидаги турлари мавжуд: папилляр чизикларнинг тугалланиши, чизикнинг бошланиши, чизикларнинг бўлиниб кетиши ва қўшилиши, кўзчалар ёки оваллар, папилляр чизикларнинг узилиши, қисқа чизикларнинг қўшилиши ёки илмоқлар, якка жойлашган қисқа чизик ёки папилляр чизикларнинг узилиши, папилляр нуқталар, чизикчалар, бурчаксимон синиқчалар ва чизикларнинг кескин бурилганлиги, иккита чизикни туташтирувчи кўприкчалар.

Папилляр нақшларнинг ўзига хосликлари санаб ўтилган деталларнинг ҳар хил бирикмалари ҳисобланади. Нақшнинг аниқ бир жойида жойлашган айри, чизикнинг охири ва кўзча ушбу деталларнинг ҳолатига қараб, уларни ажратиб турувчи папилляр чизиклар сонининг бир-бирига ҳамда уларнинг шакли ва бошқа хусусий аломатларига нисбатан кўрилади.

Нақшнинг аниқ бир жойида жойлашган папилляр чизикларнинг тузилиши, деталларининг йўқлиги папилляр нақшнинг ўзига хосликлари деб айтиш мумкин. Тери нақшининг идентификацион аломатлари

уларнинг ўзига хос тузилишидир (папилляр чизиклар оқимлари сурати, уларнинг ўзаро жойлашиши ва бошқалар), улар бармоқ нақшларини турига, хилига бўлишга ва қўл ёки оёқ кафтининг бир қисмидаги нақшни бошқа қисмидаги нақшдан ажратишга имкон беради. Дактилоскопик тадқиқотларда, биринчи навбатда, папилляр чизиклар, поралар, чандиқларнинг деталлари ва бошқалар катта аҳамиятга эга.

Папилляр чизикнинг деталлари тери нақшининг асосий қисми ҳисобланиб, тери қатламининг табиий равишда ривожланишидан ҳосил бўлади ва терининг бутун қисмида жойлашади. Бир хил номли папилляр чизикларнинг деталлари тузилиши жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлишига қарамасдан, ўзининг ташқи кўриниши билан бир-биридан фарқланади. Шунинг учун папилляр чизикларининг деталларини тавсифлаганда уларнинг ўзига хосликлари ҳисобга олинади.

Папилляр чизикларнинг иккига бўлиниши ва бирлашиши. Ўзининг шакли бўйича бу деталлар ташқи кўриниши билан бир-бирига яқин, лекин улар нақшда жойлашиши ва диаметри билан фарқ қилади. Ушбу деталларнинг ажралиб турувчи хусусиятлари қуйидагилар: папилляр чизикларнинг ажралиши ёки қўшилиб кетишида ҳосил бўладиган папилляр чизикларнинг ажралиб (қўшилиб) кетувчи қисмлари бурчак ўлчамининг ҳар хиллиги, симметрик ёки асимметрик-лиги, шохчаларнинг ҳар хил ўлчамдалиги. Ажралган (қўшилган) папилляр чизикларнинг орасида нукталар, фрагментлар ёки қисқа папилляр чизикчалар жойлашган бўлиши мумкин. Бунда қисқа папилляр чизиклар ва фрагментлар ажралиш (қўшилиш) бурчагига яқин жойлашган бўлади ёки унинг ёнида жойлашади. Биринчи ҳолатда битта папилляр чизикнинг учта шохчага ажралиши ёки учта чизикнинг битта нуктада туташishi кўзда тутилади. Иккинчи ҳолатда эса ўша жой янги папилляр чизикларнинг бошланиш ёки тугалланиш қисми бўлади. Қисқа ажралувчи ва қўшилувчи шохчалар катта аҳамиятга эга, бундай ҳосил бўлишларни мустақил папилляр чизикларнинг деталлари деб ҳисоблаш мумкин.

Папилляр чизикларнинг бошланиш ва тугалланиш қисмлари. Янги папилляр чизик бошланиш жойининг уланиш қисмида чизиклар бир-бирига жой бериб суриладилар, тугалланаётган жойда эса улар яна яқинлашадилар. Папилляр нақшларнинг бошланиш ва тугалланиш қисмлари бир-биридан шакли билан фарқ қилади. Улар айлана-симон, тўғри бурчакли ва ўткир бурчакли бўлиши мумкин.

Иккита папилляр чизикнинг учинчиси билан туташishi. Бундай деталлар иккига ажралган папилляр чизикларнинг шохга ўхшаб туташishi оқибатида ҳосил бўлади. Бундай туташувчи шохча қисқа ёки

узун, тўғри ёки букилган бўлиши мумкин.

Оваллар папилляр чизикларнинг иккига ажралиши ва кейинчалик қўшилиши натижасида вужудга келади ва симметрик ёки асимметрик тузилишга эга бўлади. Ёйнинг, сиртмоқнинг ва айлананинг юқори қисмида жойлашган оваллар бирмунча эгилган ҳолатда бўлади. Оваллар ичида айрим ҳолларда фрагментлар ва папилляр нуқта-лар мавжуд бўлади.

Якка узилишли ва пунктир папилляр чизиклар. Бундай чизиклар узилиш жойининг тўғри бурчакли ва узилишнинг турли узунликда бўлиши билан фарқланади.

Папилляр нуқталар ва фрагментлар. Бу деталлар жуда қисқа бўлган папилляр чизиклардан иборат. Нуқта папилляр чизикнинг энг қисқа фрагменти - бўлакчаси бўлиб, унинг узунлиги энига нисбатан тўрт-олти марта катта бўлиши мумкин.

Папилляр чизикларнинг қарама-қарши ҳолати. Бу ҳолатда икки папилляр чизик учрашган жойида кенгайди ёки бир-бирининг устига тушиб қолади.

Папилляр чизикларнинг букилиши (синиши). Букилишлар папилляр чизикларнинг дастлабки йўналишининг кескин ўзгариши натижасида ҳосил бўлади.

Папиллярлараро чизиклар. Эгатчалар остидаги тор дўнгликлардан иборат ва улар папилляр чизикларнинг орасида жойлашган бўлади.

Папилляр чизиклар деталарининг турли бирикмаси катта идентификациявий аҳамиятга эга. Улар орасидан қуйидагиларни ажратиш мумкин: бир нуқтада жойлашган папилляр чизикларнинг бирлашиши ёки бўлиниб кетиши, бир папилляр чизикда икки ва ундан ортиқ овалларнинг яқин жойлашиши ва ҳоказо. Бармоқ нақшлари учун марказ ва дельтанинг тузилиши ўзига хос ҳисобланади.

Поралар турлича жойлашишга, ўзига хос шакл ва тузилишга эга бўлиб, папилляр чизикларнинг алоҳида қисмларининг индивидуал тузилишини ифодалайди.

Чандиклар тери қатламининг бўртиб чиққан ёки чуқурча шаклидаги ҳар хил ўлчамли ва конфигурацияли жароҳатлардан ҳамда нақшнинг таснифли хусусиятларидан иборат бўлади.

Тери букламлари тери нақшларининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, флексор чизикларнинг майда шохчалари, фалангалараро букилишлар ва тор букилган ажинларнинг алоҳида қисмлари ҳисобланади.

Тери нақшининг идентификациявий аломати умумий ва хусусий аломатларнинг йиғиндисидир ва дактилоскопик тадқиқотлар ёрдамида одамни криминалистик идентификация қилиш учун асос бўлиб хизмат

қилади.

Бармоқ нақшларининг таснифланиши. Бармоқ нақшларини таснифлаш учун уларни турларга ва ҳар хил кўринишга бўладиган, нақшнинг марказий қисмида жойлашган ва папилляр чизиқлардан ташкил топган сураат хизмат қилади. Ушбу сураатларнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда бармоқ нақшлари уч турга бўлинади - ёйсимон, сиртмоқсимон ва айланасимон (уларни яна ҳалқасимон ҳам дейишади). Ёйсимон нақшга оддий сураат хосдир. Сиртмоқсимон ва айланасимон нақшлар мураккаб тузилишга эга. Бармоқ нақшлари-нинг турлари ичида сиртмоқсимон нақш кўп тарқалган. Улар ҳамма нақшларнинг 65 %ини, айланасимон нақшлар - 30 %, ёйсимон нақшлар эса - 5 %ини ташкил этади.

Ёйсимон нақшлар. Ҳамма ёйсимон нақшлар учун нақшнинг юқори оқими ва марказ қисмини тўлдирувчи папилляр чизиқларнинг эгилган шакли умумий ҳисобланади. Улар ёй шаклида эгилган бўлиб, бир-бирини устига тахлаб қўйилганга ўхшайди. Ёйнинг бўртиб чиққан қисми нақшнинг юқорисига қараган, унинг томонлари нақш-нинг асосида жойлашган. Нақшнинг симметрия ўқи нақш асосига нисбатан ҳар хил ҳолатда, яъни ўнг томонга, вертикал ва чап томонга оғиши, ёйнинг ички қисмида қисқа папилляр чизиқлар бўлиши мумкин. Уларни мавжудлиги ва ўзига хос ўзаро жойлашишига қараб уч турга ажратамиз: оддий, чодирсимон ва марказ қисми ноаниқ тузилган нақшлар. Ҳар бир турда ўзига хос бўлган, алоҳида хилма-хиллик мавжуд. Улар у ёки бу гуруҳдаги нақшларни фақат ўзига мос келувчи тузилишига қараб бир-бирлари билан бирлаштиради.

Оддий ёйсимон нақшлар ёйсимон нақшлар орасида энг оддий бўлиб, уларнинг маркази, четлари ва юқори қисми нақш асосининг тепасида жойлашган ва бир маромдаги ёйсимон папилляр чизиқлар оқимидир.

Оддий ёйсимон нақшлар бир-бирларидан ёй ҳосил қилувчи папилляр чизиқларининг эгрилик даражаси билан ажралиб туради. Нақшнинг марказ қисмини ҳосил қилувчи хилма-хил оддий ёйсимон нақшлар кучсиз, ўртача ва кучли эгилган ёйсимон папилляр чизиқлардан иборат бўлади. Биринчи кўриниш - кучсиз эгилган папилляр чизиқлар камроқ эгилган, иккинчи кўриниш - ўртача эгилган папилляр чизиқлар ёйининг юқори қисми нақшнинг асос қисмидан сезиларли даражада кўтарилган, учинчи кўриниш - кучли эгилган папилляр чизиқларнинг оқими кўп эгилиб, томонлари нақш асосининг четларига осилиб турувчи гумбаз шаклидаги сураатни ҳосил қилади.

Чодирсимон кўринишдаги ёйсимон нақшларга ёйнинг ички

қисмида мавжуд бўлган, чодирни эслатувчи суратдан ташкил топган қисқа папилляр чизикчалар нақшлари киради. Қисқа папилляр чизиклар сони ва уларнинг ўзаро жойлашиши бу турдаги хилма-хил нақшларнинг жуда кўплигидан далолат беради. Чодирсимон кўри- нишдаги ёйсимон нақшларнинг ички ёйидаги қисқа папилляр чизик- лар одатда вертикал ёки нақш асосига нисбатан қия жойлашади.

Чодирсимон кўринишдаги ёйсимон нақшлар ёйнинг ички қисмида жойлашган бир ёки икки вертикал қисқа папилляр чизиклар, чап ва ўнг томондан қўшилган ёки бошқа папилляр чизикларнинг ўткир бурчак остида яқинлашган нақшларидир. Бу нақшларни чодир- симон арча шаклидаги ёйсимон нақшлар деб аташ қабул қилинган.

Марказ қисми аниқ тузилишга эга бўлмаган ёйсимон нақшлар. Бу турдаги нақшлар ёйнинг ички қисмида бетартиб жойлашган қисқа папилляр чизикларга эга.

Сиртмоқсимон нақшлар. Ушбу турдаги нақшларнинг ички суратини ҳосил қилувчи кўпгина папилляр чизиклар эгилган сиртмоқ кўринишда бўлади. Ҳар бир сиртмоқда унинг элементини ҳосил қилувчи юқори-ярим юмалоқ букилиш, юқоридан келаётган чизиклар томонлари ва асоснинг очик қисми ажратилади. Нақшнинг ички сурати бир-бирига устма-уст туширилган бир нечта сиртмоқлардан иборат. Айрим ҳолатларда нақшнинг ички сурати битта сиртмоқдан ҳам иборат бўлиши мумкин. Баъзан сиртмоқнинг томонлари жуда калта ёки томонларидан бири бўлмаганда ҳам нақш сиртмоқсимон деб аталади. Нақшни таснифлаш учун сиртмоқнинг юқори қисми бир текисда эгилган ва шакли аниқ кўриниши керак.

Сиртмоқлар нечта бўлмасин, ҳар доим мустақил учинчи оқим - нақшнинг ички суратини ҳосил қилишади ва улар шаклининг ўзига хослиги билан фақат бир жойда бошқа оқимлар билан бирлашади. Шунинг учун сиртмоқсимон нақшларда дельта битта бўлади. Ички сиртмоқда устма-уст ётган сиртмоқлар ва ёйлар орасида асосий нақшнинг суратини тўлдирувчи алоҳида қисқа папилляр чизиклар, фрагментлар ва нуқталар мавжуд бўлиши мумкин.

Сиртмоқсимон нақшлар олти турга бўлинади. Уларни турларга бўлиш сиртмоқлар шаклининг ўзига хослигига, томонларининг бир бирига нисбатан жойлашишига, сиртмоқларнинг сони ва нақшда уларнинг ўзаро жойлашишига асосланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, сиртмоқсимон нақшлар оддий, эгилган, ярим, ёпиқ, қарама- қарши ва параллел турларга ажратилади.

Ички суратни ҳосил қилувчи сиртмоқнинг шаклига қараб, сирт- моқсимон нақшлар оддий ва эгилган кўринишда бўлади.

Оддий сиртмоқсимон нақшлар. Ушбу нақшдаги сиртмоқларнинг томонлари бир-бирига нисбатан аниқ йўналишда параллел жойлашган бўлиб, ўзига хос тўғри чизиклар ҳосил қилади. Сиртмоқнинг симметрик ўқи нақшнинг асосига нисбатан эгилган ҳолатда бўлади. Айрим ҳолларда сиртмоқнинг симметрик асоси нақшнинг асосига ёнма-ён ёки вертикал жойлашган бўлиши ҳам мумкин. Вертикал ҳолатда сиртмоқнинг томонлари нақшнинг асосида кескин бурилиш ҳосил қилади. Сони жиҳатидан оддий сиртмоқсимон нақшлар барча бошқа бармоқ нақшлари сонидан кўпдир.

Эгилган сиртмоқсимон нақшларга сиртмоқнинг юқори қисми нақшнинг асосига нисбатан кескин бурилган ҳолатда жойлашган нақшлар киради. Сиртмоқнинг юқори қисми нақш дельтасига ёки унга нисбатан қарама-қарши томонига қараган бўлади. Агар сиртмоқнинг юқори симметрик ўқи нақшнинг асосига вертикал ёки ўтмас бурчак остида жойлашган бўлса, унда бу нақш иккита дельтага эга бўлиб, айланасимон нақш деб аталади.

Ярим сиртмоқсимон нақшлар. Ушбу турдаги нақшларда сиртмоқнинг чап ёки ўнг томони нақшнинг қарама-қарши четларида жойлашган бўлиб, бири иккинчисидан тенг яримга калта бўлади. Қисқартирилган томонлари ички сиртмоқнинг яқинида жойлашиши ва ёнида жойлашган қисқа папилляр чизиклар билан туташishi мумкин.

Ёпиқ сиртмоқсимон нақшлар сиртмоқларининг асослари бир-бирига жуда яқин жойлашиши, бир-бири билан туташиб кетиши ёки сиртмоқ ичидаги қисқа папилляр чизикнинг ўзида жойлашиши мумкин. Ёпиқ ва ярим сиртмоқлар оддий сиртмоқ бўлиб, эгилиши ҳам мумкин, лекин уларни алоҳида мустақил турларга ажратишга асос бўлмайди. Сиртмоқсимон нақшларнинг ички кўриниши иккита алоҳида жойлашган сиртмоқлар тизимидан иборат бўлса, бундай нақшлар бу тизимдаги сиртмоқларни ўзаро жойлашишига қараб, қарама-қарши ёки параллел сиртмоқли нақшлар ҳисобланади. Алоҳида олинган сиртмоқлар тизими мустақил папилляр чизикларнинг оқимидир. Шу туфайли, айтиб ўтилган нақшларда папилляр чизикларнинг тўртта оқими мавжуд бўлиб, улар иккита дельтани ташкил этади. Қарама-қарши ва параллел сиртмоқсимон нақшлар жуда кам учрайди.

Қарама-қарши сиртмоқсимон нақшларда ички сурат ёки уларнинг тизимини ҳосил қилувчи иккита қарама-қарши сиртмоқсимон нақшларнинг юқори қисми бир-бирига эгилган ва яқинлашган, томонлари ва асоси нақшнинг қарама-қарши четларида, иккита дельта эса нақшнинг марказий қисмида жойлашган бўлади.

Параллел сиртмоқсимон нақшлар. Уларнинг ички сурати бир-

бирига нисбатан параллел жойлашган оддий сиртмоқлар тизимидан ташкил топган. Параллел сиртмоқсимон нақшларда иккита дельта, яъни ички - сиртмоқнинг чўққи қисми нақшнинг юқори оқимига яқинлашган, ташқи - унинг четида жойлашган бўлади.

Айланасимон (ҳалқасимон) нақшлар. Айланасимон нақшлар ўзининг тузилишига кўра жуда мураккаб ва турли кўринишларга эга. Бу турга ички сурати папилляр чизиклардан ташкил топган айлана кўринишида ва бир-бирини эгиб турувчи спирал, сиртмоқ ёки муайян бирикмалар кўринишида бўлган бармоқлар нақшлари киради. Нақш- да ички суратнинг асосини ташкил қилувчи папилляр чизиклардан ташқари, қисқа папилляр чизиклар ҳам бўлади. Айрим ҳолларда улар фақат айлана бўйича ёки овал шаклида жойлашиб, айланасимон нақшнинг ички суратини ҳосил қилади. Айланасимон нақшлар икки, айрим ўринларда ундан ҳам кўп дельтали бўлиши мумкин. Айланасимон нақшларнинг ички сурати ўзига хослиги боис уларни иккита мустақил турга, яъни оддий ва мураккаб айланасимон нақшларга ажратиш мумкин.

Оддий айланасимон нақшлар. Ушбу турга ички сурати айлана ёки спирал шаклидаги папилляр чизиклардан ҳосил бўлган нақшлар киради. Оддий айланасимон нақшлар ҳалқасимон ёки спиралсимон турларга бўлинади.

Ҳалқасимон нақшларда ички суратни ҳосил қилувчи папилляр чизиклар турли эгилишларга эга бўлиб, ҳалқа ёки овал шаклини ҳосил қилади.

Спиралсимон нақшларнинг ички сурати спирал шаклидаги папилляр чизиклардан ҳосил бўлади. Спиралсимон нақшлар: типик, спирал-сиртмоқ ва спирал-чиғаноқ (спирал-улитка) кўринишларга бўлинади.

Типик спираллар асосини спирал шаклида эгилган бир, икки ёки ундан ортиқ папилляр чизиклар ҳосил қилади.

Сиртмоқ-спиралларнинг ички сурати бир, икки ёки ундан ортиқ спирал шаклида эгилган сиртмоқлардан иборат бўлади.

Спирал-чиғаноқлар (спирал-улитка) нақшларида спирал ташқи томонларининг учлари ёки тугалланган томонларининг спиралга оид эгилган сиртмоқлари нақшнинг қарама-қарши томонига қараб йўналган бўлади.

Мураккаб айланасимон нақшлар. Бу турга нақшларининг ички сурати иккита бир хил ёки ҳар хил шаклга эга бўлган папилляр чизиклар оқимидан иборат бўлган нақшлар киради. Айланасимон нақшлар мураккаб ва турли айланасимон нақшларга бўлинади.

Мураккаб бир турдаги нақшлар. Мураккаб бир турдаги айлана-симон нақшларнинг ички сурати икки ёки ундан ортиқ сиртмоқдан иборат бўлиб, улардан бири иккинчисини эгган ёки бир-бирини эгишган (сиртмоқ-чиғаноқлар) кўринишда бўлади.

Мураккаб турли хилдаги нақшлар. Бундай нақшларнинг марказ қисми иккита ҳар хил папилляр чизиклар оқимидан ташкил топган. Масалан, сиртмоқ овални ёки спирални эгиб олиши мумкин ва бошқалар.

Бармоқ нақшларининг ўткинчи шакллари. Айрим бармоқ нақшлари ташқи томонидан маълум бир турга ўхшаш бўлгани ҳолда, ички сурати тузилишининг баъзи бир хусусиятларига кўра, умуман бошқа турга мансуб бўлади. Бундай бармоқ излари дактилоскопияда ўткин-чи ёки алдамчи деб қабул қилинган. Ўткинчи нақшларнинг бир нечта шакллари мавжуд. Масалан, агар сиртмоқсимон нақшнинг ички сурати битта сиртмоқдан иборат бўлса ва унинг чўққисига қисқа папилляр чизик келиб қўшилса (ажралса) ёки сиртмоқнинг чўққиси бурчаксимон эгилган бўлса, бундай сиртмоқ алдамчи бўлади. Бундай ҳолатда, юқоридагиларни ҳисобга оладиган бўлсак, сиртмоқнинг тузилиши ёйсимон нақшлар турига киради. Худди шундай ички суратида биттагина алдамчи айланаси бўлган нақш ёйсимон ёки сиртмоқсимон нақшлар турига киради. Агар сиртмоқсимон нақшнинг ички суратида айлана шаклидаги папилляр чизиклар бўлса, улар ҳалқасимон нақш ҳисобланади. Бунда ёпиқ сиртмоқларнинг асоси қисқа эгилган папилляр чизик билан қуршалган, ярим сиртмоқларда қисқарган томон қарама-қарши томонга нисбатан 90 ёки ундан ортиқ даражадаги бурчакда жойлашган, эгилган сиртмоқли нақшда сирт-моқнинг юқори қисми вертикал ҳолатда пастга - нақшнинг асосига қараган бўлади.

Аномал бармоқ нақшлари. Аномалиялар ёки бармоқ нақшлари тузилишидаги бузилишлар ёйлар ва сиртмоқлар чўққиларининг ўткир бурчаклари ҳамда бармоқ нақшларининг одатдаги кўринишини бузувчи, кам учрайдиган аломат ҳисобланади. Аномал ва бошқа ўткинчи шакллар бармоқ нақшларининг мустақил таснифлаш гуруҳига кирмайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Yugai, Lyudmila Yuryevna. "The use of biometric identification in countering crime." Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities 2.1.4 Legal sciences (2022).
2. Югай, Л. Ю. "Некоторые аспекты использования инновационных технологий биометрической идентификации личности в противодействии преступности: опыт Республики Узбекистан." (2022).